# КПСС XXV СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 38 (6928). ● 24 февраль, 1979 йил ◆ ШАНБА ● Баҳоси 2 тийин.

БУГУН ОБЛАСТИМИЗ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ИЛҒОРЛАРИНИНГ ҚУРУЛТОЙИ ОЧИЛАДИ

КОММУНИСТИК МЎЛ-КЎЛЧИЛИК УЧУН КУРАШАЁТГАН АЗАМАТ ДЕҲҚОНЛАРИМИЗГА ШОН-ШАРАФЛАР!

## ЯНГИ ВАЗИФАЛАР ЗАФАРЛАРГА ЧОРЛАЙДИ

**ОБЛАСТИМИЗ** меҳнаткашлари беш йилликнинг учинчи йили топшириқлари, план ва социалистик мажбуриятларини шараф билан адо этиб, 1979 йилги вазифаларни ҳам тўла бажариш учун ғайрат, шижоат, матонат билан ишга киришдилар. Саноат корхоналари, қишлоқ хўжалиги, қурилишлар ва улкан объектларнинг бунёдкор ходимлари йил бошланиши биланоқ беш йилликнинг ҳал қилувчи тўртинчи йили тадбирларини белгилаб олдилар.

СССР Олий Советига сайловлар муносабати билан бутун мамлакатимизда, шу жумладан, областимизда кенг қулоч ёйган умумхалқ социалистик мусобақаси ажойиб самаралар бермоқда. Саноат корхоналари, колхоз ва совхозларнинг меҳнат коллективлари ойлик ва квартал планларини ошириб бажарганликлари ҳақида ғалаба рапортлари бермоқдалар.

Бугун областимиз қишлоқ хўжалиги илғорларининг қурултойи очилади. Унда ўтган йилги ишларимизга якун ясалади ва бу йилги вазифалар белгилаб олинади.

Шу нарса характерлики, ўтган йил деҳқончиликда жуда оғир, қийин вазиятлар йили бўлди. Табиат инжиқликлари, турли офатлар ҳар бир қишлоқ меҳнаткашидан янада юксак сабот-матонат, ғайрат ва шижоат билан ишлашни талаб қилди. Ана шундай кезларда кўпни кўрган, табиат қийинчиликларини енгиб, ҳамиша ғалаба қозонган деҳқонларимиз, уларнинг жанговар, яқин, сафарбар этувчи қудратли кучи бўлган партия ташкилотлари белгиланган мақсад сари умид, ишонч билан олға интилиб, эл-юрт олдида, партия ва ҳукумат олдида берган ваъдаларига вафо қилдилар. Она-Ватан омборларига 430 минг тоннадан ортиқ «оқ олтин» етказиб берилди. Чорвачилик, деҳқончилик ва бошқа соҳалардаги ютуқлар янада қувончли бўлди.

КПСС Марказий Комитетининг ўтган йил июль ва ноябрь Пленумларида, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленумларида қишлоқ хўжалигини янада юксак суръатлар билан ривожлантириш масаласи асосий вазифа қилиб қўйилди. Партия ташкилотлари, колхоз ва совхозларнинг ҳамда хўжалик раҳбарларининг актив амалий иш олиб борганликлари натижасида қишлоқ хўжалигида катта ўзгаришлар юз берди. Партиямизнинг аграр сиёсатида меҳнаткашлар туб мақсадлари ва истакларнинг ифода этилганлиги ёрқин намоён бўлди.

Областимиз партия-хўжалик активи йиғилишларида, айниқса, область партия ташкилотининг бўлиб ўтган конференциясида қишлоқ хўжалигини комплекс равишда тубдан ривожлантириш вазифалари аниқ-равшан белгилаб берилди. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежневнинг партиямиз Марказий Комитетининг Пленумларида сўзлаган ёрқин ва илҳомбахш нутқларида қишлоқ хўжалигини бундан буён ривожининг истиқболлари, партия ташкилотлари олдида турган конкрет вазифалар кўрсатиб берилди.

Қишлоқ хўжалиги — зарбдор фронт. Қишлоқ хўжалиги — коммунистик мўл-кўлчиликнинг асосий манбаи. Қишлоқ хўжалигини бутун чоралар билан, замонавий техника асосида юксалтирайлик. Ўтган йили чорвачилик, сабзавотчилик, дон, каноп, айниқса, пахтачилик соҳасидаги план ва топшириқлар, олинган социалистик мажбуриятлар шараф билан бажарилди. КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитети ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини оширш, 1978 йил планини муваффақиятли бажариш учун Бутуниттифоқ социалистик мусобақаси якунларини кўриб чиқиб, республикамиз, Тошкент области, Тошкент шаҳри, Бўка ва Тошкент районларини кўчма Қизил байроқлар билан мукофотладилар. Областимиз ишчилари ва деҳқонлари эришган муваффақиятлар ҳаммамиз учун қувончлидир. Бу — партия, совет, хўжалик ташкилотларимиз амалга ошираётган ташкилотчилик ишлари ҳамда сиёсий ва юксак меҳнат кўтаринкилигининг ажойиб самарасидир.

Бугунги меҳнат, ижодкорлик ва янги марралар белгилаш даврасида пахтакор, чорвадор, сабзавоткор, ғаллакор, деҳқончиликда фидокорона иш олиб бораётган турли касб эгалари учрашадилар, ўз планлари ва режалари ҳақида суҳбатлашадилар, янада кўпроқ маҳсулот етиштириш, унумли ишлаш, техника тараққиётини юксалтириш тадбирларини амалга ошириш йўлидаги фикр ва мулоҳазаларини, таклиф ва истакларини ўртага ташлайдилар. Бири бирига устоз, бири бирига шогирд, янгилик, фаровонлик учун курашчиларнинг, техника ихлосмандларининг қимматли таклифлари ва маслаҳатлари қишлоқ хўжалиги тараққиётида катта роль ўйнайди.

Шуни айтиш керакки, ўтган йилги оғир об-ҳаво шароитларида кўп йиллик тажрибага эга бўлган хўжалик раҳбарлари белгиланган марраларни эгаллаш учун хормай-толмай меҳнат қилдилар. Гектаридан 40—50,60 центнерга етказиб «оқ олтин» хирмони кўтарган, бир йилда икки-уч йиллик сабзавот тайёрлаш планини бажарган, чорвачилик ва дон хўжалигида юксак маррага кўтарилган хўжаликларнинг муваффақиятлари областимизда қишлоқ хўжалигининг барча тармоқларини комплекс ривожлантириш истиқболларини белгилаб берди.

Афсуски, айрим колхозлар ва совхозлар пахта тайёрлаш планини бажармадилар. Барча имкониятлар мавжуд бўлишига қарамай, илғор тажрибаларни, фан ва техника ютуқларини кенг тарғиб этмадилар, партия ташкилотлари эса қолоқлик сабабларини тўла таҳлил этиб, умумий юксалишимизни таъминлаш йўлида актив иш олиб бормадилар. Область партия ташкилотининг бўлиб ўтган конференциясида ва КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Ш. Р. Рашидовнинг конференцияда сўзлаган нутқида бу масалалар алоҳида кўрсатиб ўтилди.

Областимизда деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларини йил сайин кўпроқ етиштириш учун барча имкониятлар мавжуд. Калинин, Тошкент, Орджоникидзе, Бўка районлари хўжаликларида гўшт, сут, тухум, пахта, сабзавот етиштириш йил сайин ошиб бормоқда. Бошқа районларда бу соҳадаги кўрсаткичлар ҳозирги талаблар даражасида эмас.

Ҳамма ерда, шу жумладан, областимизда СССР Олий Советига сайловлар шарафига сиёсий ва меҳнат активлиги бениҳоя жўш урмоқда. КПСС Марказий Комитетининг барча сайловчиларга Мўрожаати ўтган сайловлардан буён қўлга киритилган муваффақиятлар ва зафарлар якуни, галдаги ишларнинг улкан режасидир. 1979 йил — беш йилликнинг тўртинчи йилида янада зўр ғайрат, шижоат ва матонат билан ишлаб, қишлоқ хўжалигини янада юксалтирайлик, унинг техника прогрессини ривожлантириб, деҳқончилик маданиятини оширайлик, она-Ватанга кўпроқ пахта, дон, сабзавот, чорвачилик ва бошқа маҳсулотлар етказиб берайлик.

Областимиз қишлоқ хўжалигининг азаматлари учун 1979 йил ҳам янги зафарлар, юксак марралар йили бўлсин!



## «ҚИЗИЛ ШАНБАЛИК»ДА ЗАРБДОРЛАРЧА МЕҲНАТ

БЕКОБОД (Тошкент области), 22 февраль. (ЎзТАГ мухбири). Бугун В. И. Ленин номидаги Ўзбекистон металлургия комбинатининг катта ҳовлисига корхона пўлат эритувчилари, прокатчилари инженер-техник ходимлари, хизматчиларидан бир ярим мингдан кўпроқ киши тўпланди. Улар бўлиб ўтган митингда «Буюк почин» ишини давом эттиришга қатъий аҳд қилганликларини билдирдилар.

Прокатчи Ғиёс Миркомилов меҳнатдош ўртоқларига мурожаат қилиб, бундай деди:

Биз москваликларнинг ташаббусини тўла-тўкис қўллаб-қувватлаймиз. Прокат цехимизнинг коллективи 21 апрель куни нуқул Сифат белгиси қўйилган маҳсулот ишлаб чиқаради. Шу билан бирга планга қўшимча равишда маҳсулот ишлаб чиқаришда ҳам юқори кўрсаткичларга эришамиз, ишлаб топилган бутун маблағни беш йиллик фондига ўтказамиз.

Митингда комбинат бош инженери А. Г. Саленек, моделчи А. Қосимов, пўлат эритувчи М. Ёдгоров, электр билан пўлат эритиш цехининг оператори М. Юсупов ва бошқалар сўзга чиқдилар. Уларнинг ҳаммаси ўз сўзларида Ильич туғилган кун Бекобод металлургларининг, коммунистик меҳнатнинг ёрқин байрамига, ишлаб чиқариш резервларининг кўрик кунига айланажагини айтдилар. Митингда социалистик мажбурият қабул қилинди. Бу мажбуриятда «Қизил шанбалик» кунида пландан ташқари 20 минг сўмлик маҳсулот, шу жумладан бир неча ўн тонна электрпўлат, прокат, сирланган идишлар ишлаб чиқариш кўзда тутилади.

## ДЕПУТАТЛИККА НОМЗОДЛАР БИЛАН УЧРАШУВЛАР

СССР Олий Советининг Миллатлар Советига сайлов ўтказувчи 615-Нукус сайлов округи сайловчиларининг шу округдан депутатликка номзод —Қорақалпоғистон область партия комитетининг биринчи секретари Қаллибек Камолов билан учрашуви бўлиб ўтди.

СССР Олий Советининг Миллатлар Советига сайлов ўтказувчи Янгийўл сайлов округида депутатликка номзод—Ғалаба районидаги «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» тажриба хўжалигининг звено бошлиғи Энвер Алиев; СССР Олий Советининг Миллатлар Советига сайлов ўтказувчи Булунғур сайлов округидан депутатликка номзод Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг президенти Обид Содиқов ҳам ўз сайловчилари билан учрашдилар .(ЎзТАГ).

## МУВАФФАҚИЯТЛАР ГАРОВИ

### *Сайловчиларнинг Ю. В. АНДРОПОВ билан учрашуви*

Ступино сайлов округининг сайловчилари 22 февраль куни Москва областидаги Ступино шаҳри маданият саройида шу округдан СССР Олий Совети Иттифоқ Советининг депутатлигига номзод — КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюросининг аъзоси, СССР Давлат хавфсизлиги комитетининг раиси Юрий Владимирович Андропов билан учрашдилар.

Депутатликка номзоднинг ишончли вакили — Ступино металлургия комбинати обмоткачилар бригадаси бошлиғи А. П. Морозова Ю. В. Андроповнинг ҳаёт йўли тўғрисида гапириб, округ сайловчиларини сайлов кунида коммунистлар билан партиясизлар мустаҳкам блокининг номзодлари учун якдиллик билан овоз беришга чақирди.

Учрашувда сўзга чиққан нотиқлар КПСС билан Совет давлатининг ташқи ва ички сиёсатини тўла-тўкис ва батамом маъқулладилар. КПСС Марказий Комитетининг СССРдаги барча сайловчиларга, гражданларга қилган Мурожаати ҳамма совет кишилари каби округ меҳнаткашларининг ҳам меҳнат ғайрати ва сиёсий активлигини ғоят кучайтириб юборди, дейишди нотиқлар.

Сайловчилар томонидан самимий кутиб олинган Ю. В. Андропов нутқ сўзлади. У юксак ишонч учун округ сайловчиларига миннатдорчилик билдириб, Олий Советга сайлов, сайлов кампанияси — мамлакат ҳаётидаги катта ва муҳим сиёсий воқеадир, деди. Сайловга тайёргарлик билан бир вақтда босиб ўтилган йўл якунлари бутун халқ томонидан муҳокама қилинмоқда, хўжалик ва маданий қурилишнинг актуал вазифалари кенг кўламда кўриб чиқилмоқда. Бу — амалдаги социалистик демократиянинг ўзидир.

Депутатликка номзод мамлакат саноати ва қишлоқ хўжалигини ривожлантириш якунларига батафсил тўхталиб, биз ҳали ҳеч қачон шу қадар катта иқтисодий, илмий ва маданий потенциалга, олға томон ҳаракат қилиш учун шу қадар кенг имкониятларга эга бўлмаган эдик, деб таъкидлади. Ана шу имкониятлардан омилкорлик билан, энг кўп самара олиб фойдаланиш биз учун энг муҳим вазифадир, деди нотиқ. Ўнинчи беш йилликнинг бутун ишимиз самарадорлиги ва сифатини оширишдан иборат энг асосий вазифаси ҳам шундан келиб чиқади. Бу вазифани амалга ошириш меҳнаткашлар турмушини яхшилашга ҳам бевосита дахлдордир.

Шу боисдан партия муваффақиятларни қайд этиш билан бирга мавжуд қийинчиликлар тўғрисида тўппа-тўғри ва рўйи-рост гапиради, уларни бартараф этишнинг конкрет йўллари ва методларини белгилайди. Партия Марказий Комитети 1978 йил ноябрь Пленумида худди шундай принципиал гап борди.

Совет кишилари, деб давом қилди депутатликка номзод, СССРнинг янги Конституцияси бизнинг ғалабаларимизни ҳам, мамлакатимизда коммунистик қурилишнинг кенг истиқболларини ҳам акс эттирувчи муҳим сиёсий-ҳуқуқий ҳужжат бўлди деб ҳақли суратда гапирмоқдалар. Конституция қабул қилинганидан буён кўп вақт ўтгани йўқ. Лекин ҳозирнинг ўзидаёқ бу Конституция ижтимоий ҳаётнинг ҳамма томонларига қандай хайрли таъсир ўтказаётганлиги, у коммунистик қурилишнинг жонли практикасига узвий сингиб кетганлиги яққол кўриниб турибди.

Ю. В. Андропов сўнгра давлат хавфсизлиги органлари ишининг баъзи масалаларига тўхталиб, Коммунистик партиянинг кундалик раҳбари бу органлар бутун фаолиятидаги тўғри сиёсий йўлнинг шартидир, деди. Реакцион империалистик кучларнинг мамлакатимизга қарши қўпорувчилик ишлари билан курашиш давлат хавфсизлиги органларининг асосий, бош вазифасидир.

Ғарб разведкачиларининг агентлари, чет эллардаги антисовет ташкилотларнинг эмиссарлари бизнинг сирларимиздан воқиф бўлишга уринмоқдалар, мафкуравий диверсиялар уюштиришда қатнашмоқдалар, баъзи бир бекарор, иродасиз кишиларни чалғитиб, уларнинг онгини заҳарлашга ҳаракат қилмоқдалар. Шу сабабли, партия Марказий Комитети уқтирганидек, барча совет кишиларининг доимий ҳушёр бўлиб туриши ҳозирда ҳам куннинг энг муҳим ва актуал талаби бўлиб қолмоқда.

Ҳали турли турқдаги мурқтадлар борки, улар совет воқелигига ашаддий туҳмат қилиш йўлига, баъзан эса империалистларнинг махсус хизмат маҳкамаларига бевосита кўмак бериш йўлига ўтиб олмоқдалар. Уларнинг бундай «фаолиятини» Ғарбдаги баъзи бир кимсалар «инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш» деб атамоқда. Аммо совет кишилари социализмга зарар етказиш «ҳуқуқини» ҳеч қачон ва ҳеч кимга берган эмас ва бермайди ҳам. Совет кишилари социализмнинг тантанаси учун ғоят кўп жон фидо қилдилар, жуда кўп меҳнат сарфладилар. Жамиятни ана шундай жиноий ҳаракатлардан муҳофаза қилиш — ҳам адолатли, ҳам демократик иш дир. Бу — совет гражданларининг ҳуқуқ ва эркинликларига, жамият билан давлатнинг манфаатларига тўла-тўкис мос келади.

Совет халқининг барча муваффақиятлари, ҳамма зафарлари Ленин партиясининг фаолияти билан чамбарчас боғлангандир. Социал-иқтисодий ва маданий тараққиёт кўламлари ўсаборган сари, коммунистик қурилишнинг янги-янги вазифалари ҳал этилаборган сари Совет жамиятининг раҳбар ва раҳнамо кучи — Коммунистик партиянинг роли ошиб боришини ҳаётнинг ўзи яққол тасдиқламоқда.

Партиямиз ва мамлакатимизда вужудга келган ва партиявий принципиаллик билан суғорилган амалий, сиёсий муҳит барча планларимизни бажариш учун жуда катта аҳамиятга эгадир. Бундай муҳит — партия Марказий Комитети, унинг Сиёсий Бюроси ва КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Леонид Ильич Брежнев олиб бораётган собитқадам фаолиятнинг натижасидир. Мамлакатимиз коммунистлари, барча меҳнаткашлари Леонид Ильич Брежневни халқ билан чамбарчас боғланган, бутун ҳаётини унга бағишлаган, ўзининг бутун кучини совет кишилари фаровонлигини юксалтиришга ва ватанимиз хавфсизлигини таъминлашга сарфлаётган Ленин типидаги сиёсий раҳбар, деб ҳаққоний суратда ҳисобламоқдалар.

Совет Иттифоқи Комунистик партияси, деди пировардида Ю. В. Андропов, сайловни иқтисодий ва маданий қурилишнинг, совет кишилари фаровонлигини оширишнинг катта программаси билан кутиб олмоқда. Марказий Комитетининг сайловчиларга Мурожаатида ана шу программа баён қилиб берилган.

(ТАСС).

## Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети қўшиқ санъатини пропаганда қилишни янада ривожлантириш ва кучайтириш ҳақида қарор қабул қилди. Шу қарорга мувофиқ республика маданият, маориф, олий ва ўрта махсус таълим министрликларига, Ўзбекистон ССР кинематография, телевидение ва радио эшиттириш, нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси ишлари Давлат комитетларига, Ўзбекистон касаба союзлари республика Советига, Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетига, композиторлар ва ёзувчилар союзларига, шунингдек бошқа маданият ташкилотларига қуйидаги ишларни бажариш топширилди:

— қўшиқ санъатини пропаганда қилишни янада ривожлантириш ва кучайтириш, ёш авлодни ва меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашда унинг ролини ошириш тадбирлари ишлаб чиқилсин ва амалга оширилсин, буларда конкурслар, давлат буюртмалари системасини, турли жанрлардаги совет қўшиқларини яратганлик учун маънавий ва моддий рағбатлантириш системасини такомиллаштириш, қўшиқ ижрочилари конкурсларини, байрам ва фестивалларини мунтазам суратда ўтказиб туриш тадбирларига алоҳида эътибор берилсин;

— замонавий совет қўшиқлари тўплами ҳар йили чоп этилсин, ҳар йилги энг яхши қўшиқлар ва қўшиқ айтувчи болалар коллективлари ижро этган қўшиқлар ёзилган грампластинкалар чиқариб турилсин, қўшиқларни ижро этиш юзасидан мактаб ўқувчиларининг конкурслари уюштирилсин, ҳар бир областда профессионал вокал-чолғу ансамбллари ташкил этилсин.

Телевидение ва радио эшиттириш Давлат комитетига қўшиқ ёзувчи шоирлар ва композиторларнинг ижодиёти тўғрисида, энг яхши совет қўшиқларини ёдлаб олиш борасида телевизион кўрсатувлар ва радио эшиттиришларни мунтазам уюштириб туриш, шу йилнинг апрель ойида Тошкент шаҳрида Бутуниттифоқ «қўшиқ бизга ҳамиша ҳамроҳ» телефестивалини ўтказиш соҳасида тайёргарлик ишларини кенгайтириб юбориб, энг яхши совет қўшиқларини яратиш ва ижро этиш республика телевизион конкурсини ҳар йили ўтказиб туриш топширилди. Шу хилдаги биринчи телеконкурс 1979 йил декабрь ойида Тошкент шаҳрида «Ўзбекистон, қўшиқ-79» номи билан ўтказилсин.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ижодкор коллективлар ва санъат арбобларининг дўстона алоқаларини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, СССР халқлари қардош музика маданиятларининг ўзаро алоқалари ва бир-бирини бойитиш жараёнини кенгайтириш ва чуқурлаштириш, меҳнаткашларни ғоявий ва бадиий-эстетик тарбиялашда уларнинг ролини кучайтириш мақсадида ҳар йилнинг сентябрь ойида Самарқанд шаҳрида «Самарқанднинг олтин гардиши» номи билан эстрада қўшиқлари фестивалини ўтказиб туришни зарур деб топди ва Ўзбекистон ССР маданият министрлигига ҳамда бошқа манфаатдор ташкилотларга бу фестивални ўтказиш соҳасида тайёргарлик ишларини олиб боришни топширди.

Ўзбекистон композиторлар ва ёзувчилар союзларига, санъатшунослик институтига ва Тошкент давлат консерваториясига халқ қўшиқ-музика асарларини қидириб топиш, ёзиб олиш, ўрганиш ва пропаганда қилиш соҳасидаги ишларни яхши йўлга қўйиш тавсия этилди.

